



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 17 апрель, № 74 (6004)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 27 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳоқимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи бошқичма-бошқича амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳоқимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳоқимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек ҳуқуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўйбага чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 32-модда:

иккинчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин: «Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан амалга оширилади»;

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади»;

2) 78-модда биринчи қисмининг 21-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«21) парламент назоратини ва ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш»;

3) 93-модда биринчи қисмининг:

7-банди куйидаги тахрирда баён этилсин: «7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»;

8-бандидаги «тузади ва тугатади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдими биноан тузади ва тугатади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандидаги «ва лавозимидан озод қилади» деган сўзлар «ҳамда уни истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда лавозимидан озод қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16-банди куйидаги тахрирда баён этилсин: «16) республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳоқимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхта-тади, бекор қилади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли»;

24-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 98-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**98-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳоқимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринбосарларини, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

Вазирлар Маҳкамаси:

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидagi барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентини олдида жавобгардир.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг

янги таркиби шакллантирилгунга қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини:

1) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

2) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

3) халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш қўради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун мuddат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин мuddатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишinchа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдими биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган тақлиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилди.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишinchа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан бир қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиққани.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади»;

5) 103-модда:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Вилоят, туман ва шаҳар ҳоқими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) 117-модда:

куйидаги мазмундаги **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқор Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади»;

олтинчи қисми ўнинчи қисм деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 16 апрель
№ ЎРҚ—366

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 27 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 1-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг Хукумати — Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳоқимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади):

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлиги билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

(Давоми 2-бетда). >>>

2014 йил — соғлом бола йили

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ ҚУДРАТЛИДИР



Яқинда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани ва унинг олтинчи расмий тилига таржима қилингани ҳақидаги хабар чоп этилди. Бу эътироф, албатта, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йиллариданоқ, юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Кенг қўлмали умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар

туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим омили бўлмоқда. Утган даврда бевосита соҳага доир 14 та қонун ҳаётга татбиқ этилган, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганини амалда намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тармоқни ислоҳ қилишга қаратилган 100 дан зиёд фармон ва қарорлари аҳоли саломатлигини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга бўлаётди.

(Давоми 2-бетда). >>>

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

5) 20-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 24-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбоши-сидаги «уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш» деган сўзлар «уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини, шунингдек ҳокимларнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 25-модданинг биринчи қисми: қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади»; бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда) 8-моддаси биринчи қисмининг 21-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21) парламент назоратини ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) 8-моддаси биринчи қисмининг 21-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21) парламент назоратини ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда) 22-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин: «Бош вазир лавозимига номзод Қонунчилик палатасида унинг номзоди қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»; тўртинчи — ўн биринчи қисмлар тегишинча бешинчи — ўн иккинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) 18-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин: қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Бош вазир лавозимига номзод Сенатда унинг номзоди қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»; иккинчи — саккизинчи қисмлар тегишинча учинчи — тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ЎРК-88-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) 4-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин: қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин: «Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»; учинчи — тўққизинчи қисмлар тегишинча тўртинчи — ўнинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2014 йил 16 апрель
№ ЎРК—367

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган илмий изланишлар самарасида «Соғлом она — соғлом бола» дастури умумийлик ҳаракатга айланди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг янада кўтарилишига олиб келди. Истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриши давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайгани, оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайгани, нуфузли халқроқ ташкилот — «Save the Children» («Болаларни асрайлик») томонидан тузилган жаҳон рейтингидagina Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод са-

зимлиги бўйича берилган тавсиялар, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўзидан соғлом насл қолдиришни истган ҳар бири киши шу каби соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда соғлом авлодни вояга етказиш нақадар муҳим, шу билан бирга, масъулиятли эканлигини аҳоли тўла-тўқис англаб етганлиги кўзга кўрилади. Булар, шубҳасиз, «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлур», деган ҳикматли ғояга амал қилган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган илмий изланишлар, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бо-

лар шифокорларнинг ушбу тавсиялар риоя қилган. Ҳомиладор аёлларнинг 84 фоизини 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оналар ташкил қилган бўлса, аксарият оналар биринчи ёки иккинчи фарзандини дунёга келтиришган. Бундан ташқари, эрта ёшдаги туғуруқлар кайфияти эришилди. Сўз соғлом болани дунёга келтиришнинг асосий омиллари ҳусусида борар экан, шу ўринда, албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудда ташкил этилган иқтисодлаштирилган тиббиёт масканлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Уларнинг касалхоналардан фарқи шундаки, бундай марказларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда

ни, албатта, соҳа ривожиди, пироваддида миллат саломатлигини асрашда долзарб аҳамият касб этаётди. Чунотки, мамлакатимизда 2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Қонун аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибиди соғлиғи учун зарур бўлган микронутриентлар билан таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга оширишда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори оналик ва



Ҳосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик масалалари бўйича катта давлат вазири Саида Варси 16 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиди музокара ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик қатор жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил тараққий этаётгани, мазкур йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия парламенти «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида имзоланган алоҳида меморандуми парламентаризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Жамиятни ривожлантиришда парламентнинг ўрни кенгайтиришга қайд этилди.

— Ўзбекистонда мамлакатни демократлаштириш ва фуқароларнинг ҳаётини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди Саида Варси. — Буюк Британия Ўзбекистон билан бу йўналишда фаол таъбирда алмашуш тарафдори.

Буюк Британия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

ломатлиги ҳақида энг кўп гапмуҳим кўрсатаётган давлатлар ўнтаклигига киргани бунинг ёрқин далилидир.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мазкур дастурнинг аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, унда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиётнинг бирламчи бўлини фаолиятини янада яхшилаш, жойларда оналик ва болалик муҳофазаси йўналишида иш олиб борувчи қатор иқтисодлаштирилган ақшурлик ва гинекология, педиатрия, скрининг ва перинатал марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, болалар тиббиёт муассасалари ва туғуруқхона комплексларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, бу бўйича аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йилдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси доирасида 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудда ҳар ойда «Фертил» ёшдаги аёллар, болалар ва ўсимир қизларни соғломлаштириш» ҳафталиклари мунтазам ўтказилмоқда. Иқтисодлаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртинларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан туғиш ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши кераклиги, туғуруқ оралиғи энг камида 3 — 3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, истагмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлигини ва туғилажак фарзандининг соғлиғига ҳавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фойда бўлишга эътибор қаратишлари ло-

расида амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ҳаёт тарзиди, турмушимизда содир бўлаётган ўзгариш ва янгилашларга аҳамият қаратишнинг ўзи кифоя.

Мисол учун, 90-йилларда ҳомиладор аёлларнинг 70-80 фоизи анемиядан, катта қисми унинг ўрта ва оғир формаларидан азият чекар эди. Бу нафақат оналар саломатлигига, шу билан бирга, болалар соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Ҳозир ушбу ҳолат яхшиланиб, юртимизнинг турли ҳудудларида анемия 2,2 фоиз камайди.

Таққослайдиган бўлсак, ўтган асрнинг саксонинчи-тўқсонинчи йилларида мамлакатимизда демография ўсиш суръати юқори бўлган эди. Аини вақтда ушбу ҳолат мақбуллашди. Агар 1991 йилда туғилиш 34,5 промиллега тенг бўлган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 21,8 ни ташкил қилди. Аёллар фертиллиги коэффициенти, яъни ҳар бир репродуктив ёшдаги аёлдан туғиладиган болалар ўртача сонини 1991 йилда 4,2 га тенг бўлса, 2013 йилда 2,5 ни ташкил қилди.

2005 йилда ўтказилган ижтимоий сўровларга кўра, қишлоқ аҳолиси оилаларда ўртача 4-5, шаҳар аҳолиси эса 2-3 нафар фарзанд бўлишини кўрсатишган. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган сўровларга кўра, респондентларнинг 82 фоизи оилада 2-3 нафар бола бўлиши мақуллигини қайд этишган. Бу, ўз навбатида, йилдан-йилга аҳолининг тиббий маданият даражаси шаклланиб бораётганини намоён этади. Шу билан бирга, туғилаётган гўдакларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда, аввало, оилаларнинг, бўлажак ота-оналарнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятга эга.

Бугунги демография ҳолатининг асосий хусусияти шундан иборатки, аёллар репродуктив саломатлиги яхшиланмоқда. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлди. Ҳусусан, туғуруқлар оралиғи 3 ва ундан кўпроқ йилга узайди. 2013 йилда 95 фоиздан кўпроқ ҳомиладор аёл-

қумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Перинатал марказларида эса ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғуруқ хавфи мавжуд

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг

давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

125

бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваршиланмоқда. Аини чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдаклар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оналар сафини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, турли аномалияли тумға хасталиклар жарроҳлик йўли билан муваффақиятли дарволанмоқда. Мамлакатимизда Она ва бола скрининги фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани, ўз навбатида, хасталикларни эрта аниқлаш имконини бермоқда. Натижанда гўдакларнинг нуқсон билан туғилиши 1,8 баробар камайди.

болаликни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомий бўлди.

Қарор ижроси доирасида қишлоқ жойларда яшовчи ҳомиладор аёлларни махсус поливитаминар, ҳусусан, таркибиди инсон ҳаёти учун зарур бўлган микронутриентлар комплекси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ушбу мақсадда ҳар йили Давлат бюджетидан

миллиардлаб сўм маблағ йўналтирилмоқда. Аини вақтда ҳомиладорлик тўлиқ ривожланишини таъминловчи таркибиди 13 хил витамин ва 10 хил микронутриент мавжуд бўлган поливитаминар комплекси қўлланилмоқда.

Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан витаминлари қабул қилиш ва унинг самаралари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳомиладорлик вақтида зарур поливитаминар қабул қилган аёллар ўртасида камонлик даражаси камайган. Ҳусусан, Тошкент вилоятида аёллар ўртасида анемия ва унинг оғир формалари 45 фоиз, Бухоро вилоятида 34 фоиз қисқарган. Гўдакларнинг турли нуқсон билан туғилиши ҳолатлари эса Қорақалпоғистон Республикасида деярли 33 фоиз, Бухоро ва Тошкент вилоятларида тегишли равишда 19 ва 15 фоиз камайган.

Ўз навбатида, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар миқдоси ва қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилда Германия иқтисодиёти 1,8 фоиз ўсишга эришади. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати баёнотида таяниб, "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди.

Ўсишига умид бор

Изоҳланишича, бундай ижобий натижани таъминловчи омиллар кўп экан. Яъни айтиш мумкин Германия экспорт салоҳияти жадаллашиб, бунга ҳамоҳанг тарзда ички талаб ҳам тобора юксалиб бормоқда. Масалан, жорий йил ички талаб 1,9 фоиз ўсишига умид қилинаётир. Булар, шубҳасиз, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишига олиб келади.

Экспертлар ҳам ушбу давлат иқтисодиёти ривожланиш суръатларини ижобий баҳолаб, агар ташқи омиллар таъсир қилмаса, юқоридаги кўрсаткичлар қайд этилиши ҳақиқатга яқинлигини билдирди.

2013 йилда Германия иқтисодиёти 0,4 фоиз ўсган эди.

Тақчилликка барҳам бермоқчи

Португалияда давлат харажатларини камайтириш борасидаги қарор лойиҳаси маъқулланди.

Унга кўра, давлат харажатлари 1,4 миллиард евро қисқартирилади. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,8 фоизини ташкил этади. Ҳукумат шу йил орқали келгуси йили бюджет тақчиллигини 2,5 фоиз камайтирмоқчи. Маълум қилинишича, ушбу қарор ижроси доирасида солиқлар оширилмайди ҳамда ойлик маошлар ва нафақалар камайтирилмайди. Шундай экан, давлат муассасаларида иш ўринларини қисқартириш эҳтимоли юқори. Бу Португалия молия вазирлиги томонидан ҳам тасдиқланди.

Кема ҳалокатга учради

Жанубий Корея соҳилларида 477 нафар йўловчинини олиб кетаётган кема чўкиб кетди.



Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида 180 нафар одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Икки киши ҳаётдан кўз юмди. Қолганларнинг тақдирини ҳозирча номаълум. Манбага кўра, сув транспорти воситасидаги йўловчилар орасида 320 нафар мактаб ўқувчиси бўлган. Улар Чезудо оролига саёҳатга олиб кетилаётган эди. Кема ҳалокатга учраган жойда қидирув-қутқарув тадбирлари давом эттирилмоқда.

Орирлиги 6825 тонна бўлган мазкур транспорт воситаси 15 апрель кuni Инчон портидан йўлга чиққан. Аммо у орадан бир кун ўтиб, Пеннундо оролига 20 километр масофа қолганида чўка бошлаган.

Симсиз интернетни ривожлантирмоқчи

"Google" интернет-портали АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган аппаратларга қуёш батареялари ишлаб чиқарувчи "Titan Aerospace" компаниясини сотиб олганини маълум қилди.

Ҳозирча келишувнинг молиявий томонлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шундай бўлса-да, тақчилчилар ушбу битим "Google"га камда 20 миллион АҚШ долларига тушганини айтишмоқда. Олдинроқ "Facebook" иктимой тармоғи ҳам ушбу компанияни қўлга киритишга уриниб кўраётгани ҳақида хабарлар тарқатилганди.

"Google" "Titan Aerospace"ни "ўз оиласи"га қўшиб олиш орқали дунё бўйича симсиз интернет худудини кенгайтиришни кўзламоқда. Бунда у учувчисиз бошқариладиган аппаратлардан кенг фойдаланади. Яъни ана шундай қурилмалардан интернет бормаган худудларга сигнал узатилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Фаолият таҳлил қилиниб, вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг I чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

ТАДБИР

Йиғилишда Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, давлат солиқ хизмати органларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2014 йил 11 мартдаги 15а-сонли баёнида кўрсатилган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашда инсон аралашувини камайтириш мақсадида ушбу жараёнларга интерактив хизматларни жорий этиш, бу борадаги тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашда давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш йўлидаги вазифалар ижроси бўйича худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Жорий йил I чораги учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ижроси танқидий кўриб чиқилди. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушувларини таъминлашда камчиликларга йўл қўйган Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Андижон вилоятлари давлат солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, уларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти қониқарсиз, деб топилди ҳамда II чорак прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажаришга доир чора-тадбирлар белгиланганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи жисмоний шахслардан 2013 йилги жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни қабул қилиш натижалари сарҳисоб қилиниб, Фарғона ва Жиззах вилоятларида бу борадаги тадбирлар тўлиқ якунлангани учун мутасадди раҳбарларнинг масъулияти кўриб чиқилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг ҳалол, юқори малакали ходимлар билан жамлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг билим савиясини ва касбий маҳоратини ошириш юзасидан вазифалар белгиланганлиги таъкидланди. Йиғилиш иштирокчиларига ўтган даврда зиммасидаги вазифаларини виждонан бажармасдан, тамағирлик каби салбий ҳолатлар содир этган солиқ ходимлари тўғрисида тайёрланган махсус видеолавҳалар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига таширифи чоғида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш, шарт-шароитларни яхшилаш борасидаги камчиликларни бартараф эттиш, уларнинг худудда фаолият

кўрсатаётган тадбиркорлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокамада марказий аппарат таркибий тузилмалари ва худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида камчиликларга йўл қўйган 3 нафар раҳбар ходим эгалаб турган лавозимидан озод этилди, 32 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди. Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органлари зиммасига қўйилган долзарб вазифаларни сифатли бажариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишдан сўнг худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлиги учун амалий семинарлар ташкил этилди.

Унда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, Қибрай, Яккасарой, Чилонзор туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида ҳужалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, бош ҳисобчиларининг молиявий ва солиқ ҳисоботларининг электрон шарт-шароитлар, мазкур йўналишда уларга техник ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган "Ахборот-ресурс шохобчалари" фаолияти, шунингдек, "Фарход" ва "Эски җўва" бозорларида савдо маданиятини ошириш, нақд пул тушумини таъминлаш борасидаги иш тахрибаси билан бевосита жойига чиқиб танишди.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

Қисқа

сатрларда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан сел-тошқин ва ер кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга

бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзгидромет" маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, "Ўзавтотўл" компанияси масъул ходимлари иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университетидида "Суд-ҳуқуқ ислохотлари устувор йўналишларидан бўлган жиноий-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштиришда ёш олимларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Навоийда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунара коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштирилган "Солиқ билимлари — болаларга!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида

ёшлар "Ўзбекистон Республикаси солиқ сиебати" мавзусида иншо ёзиш ҳамда "Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзусида компьютер тақдироти бўйича беллашди.

Республика "Хунарманд" уюшмаси Наманган вилояти бўлими қoшидаги ўқув-ишлаб чиқариш устaxonасида тикувчилик, бичувчилик ва дизайнлик бўйича махсус курсни битирган ўттиз нафар хотин-қизга сертификатлар топширилди. Мазкур ўқув курси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағи ҳисобига ташкил этилган.

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол куйчисига эҳтиром

Андижон вилоятида Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини асосида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида адабиёт кунлари ўтказилмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Шундай тадбирлардан бири Марҳамат туманида ташкил этилди. Унда пойтахтдан ташиф буюрган шоир ва адиблар, санъаткорлар, ёш ижодкорлар ҳамда шоирнинг мухлислари иштирок этди.

Шунингдек, у таҳсил олган 25-умумтаълим мактабида ҳам бўлди. Ижодкорнинг таваллуд санасига бағишлаб мазкур ўқув муассасасида "Муҳаммад Юсуф ҳаммиса барҳаёт" шiori остида иншоотлар, мақолалар, танловлари ҳамда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси уюштирилди.

Меҳмонлар Марҳамат туманида Қорақўрғон қишлоғидаги Муҳаммад Юсуф ўсиб-улгайган хонадонда,

— Муҳаммад Юсуф

шеърлари Ватанга садоқат, инсонийлик каби улғу фазилатларни тараннум этгани, самимий ва соддалик билан барчанинг кўнглидан жой олган, — дейди мазкур таълим муассасаси директори Умидаҳон Раҳматуллаева. — Мактабимизда "аъло" баҳоларга ўқиб, шоир ижодига бағишланган кечаларда фаол иштирок этганлар Муҳаммад Юсуф ўтирган партада мутлоа қилишяпти.

Шу кuni тумандаги "Турон" ўқув марказида мўъжаз хотира хиёбони ҳамда Муҳаммад Юсуф музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Марҳамат

ахли иштирокидаги тадбир шеърят байрамига айлана кетди. Кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар сўз олиб, Муҳаммад Юсуф ижоди тўғрисида фикр юритдилар. Шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

Халқимизнинг шоир хотирасига кўрсатаётган бундай юксак эҳтиромни мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди, — дейди шоирнинг рафиқаси Назира Саломова. — Муҳаммад Юсуф умри давомида захматкаш ва фидойи халқи-

мизнинг орзу-истакларини юксак пардаларда кўйлади. Андижон вилоятида ана шундай тадбирлар доирасида ўқувчи-ёшлар ўртасида ижодий кечалар, анжуманлар ташкил этилаётди. Бугун Шаҳрихон туманида республика ёш ижодкорларининг "Истеъдод мактаби" олтинчи семинарининг минтақавий босқичида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг навқирон ижодкорлари мушоиралар ўтказишди.

Андижон шаҳридаги Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида Муҳаммад Юсуфга бағишлаб ташкил этилган бадиий-адабий кечага эса шоирнинг мухлислари, қадрдонлари, вилоят жамоатчилиги вакиллари тақлиф қилинган.

С. ШУКУРОВ.

Жиззах томонларда

Яқинда Жиззахлик Бозорбой Маннонов қўриқдан кўнгирак қилишди. Маълум бўлишича, унинг кўчатлари Швейцария тупроғида илдиэ отибди.

Кўчатлар ҳосилга киради

Дарвоқе, Жиззах тумани "Қулама" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги Тошкентлик маҳалласида яшовчи Б. Маннонови ҳамқишлоқлари "боғдон домла" деб аташади. Бунинг сабаби асл касби ўқитувчи бўлган Бозорбой ака ўз томорқасида хар йили 15 минг тўпдан зиёд кўчат етиштиради.

Иши ва ҳисоб-китоби пухта Бозорбой аканинг ёндаштарыга назар солсангиз, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига кўчат олиб кетган мижозларининг телефон рақамлари ёзиб қўйилган. Сабаби битта — нафақат Швейцарияга, балки юртимизнинг хар бир гўшаига бериб юборилган ниҳол тақдирини боғбоннинг ўз тақдиридек гап.

Беш босқичли жараён

Жиззах туманида лойиҳа қиймати 3 миллион 468 миллион сўмлик "Жиззах жун" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаши билан маҳаллий хом ашё — жундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Технологияларимиз кунига 20 тонна жунни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди жамият раҳбари Одил Толипов. — Бу ерда жунни ювиш, ундан ёғини ажратиб олиш, бўяш, калава ип ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда беш босқичли юмушлар бажарилапти. Этиборлики, жундан ажратиб олинган ёғ фармацевтика ва косметология корхоналарига жўнатилаётган бўлса, тайёр маҳсулотларимиздан енгил санаят, автомобиль санаяти, қурилиш ҳамда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилапти. Келгусида жундан пайпоқ ва гилам тўқишни ҳам ўзлаштиришни мақсад қилганмиз.

Улғубек АДИЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Advertisement for "POLIETILEN QUVURLAR" (PE pipes) by SHURTON. Includes text: «SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК, «POLIETILEN QUVURLAR» ШК, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида, диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб сўғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади. Маҳсулот сертификатланган. Буюртма ҳамда тақлифлар қўйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36. Шунингдек, буюртмаларни pe-plast.uz сайти ва pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўрғони.

Advertisement for "KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MCHJ (Land sales company) in Namangan. Includes text: «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ, Наманган вилояти филиали, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 17 февралдаги 16-1307/18526-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ватан» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 28-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1328,58 кв.м., қурилиш ости майдони 1989,52 кв.м. бўлган маъмурий бино ва ишлаб чиқариш цехлари, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, қорамол боқиб ҳамада қушхона иншоотлари, ёрдамчи бино, ошборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 650 549 500 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 20 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 16 май кuni соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижорчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz. Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for "Тошкент труба заводи" (Toshkent Pipe Plant). Includes text: «Тошкент труба заводи» ҚҚ, ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади. Мисланган пайвандлаш сими СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб. Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб. Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб. (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда молия муассасаларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар бутун дунёда юксак эътироф этилган "Ўзбек модели" асосида босқичма-босқич амалга оширилгани натижасида қисқа муддатда Ўзбекистоннинг мустақил банк тизими яратилди. Унинг барқарорлигини таъминлашда эса ҳали-ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган тизимли ислохотлар изчил давом эттирилгани, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга самарали таъбиқ қилингани мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, юртимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг

қўллаган ҳолда, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиклантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ".

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ходимлари шундай юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, молия-банк тизимини, том маънода, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айлантириш мақсадида фаол иш юритаётгани, бу амалда ўз самарасини бераётгани. Жаҳон миқёсида юз берган иқтисодий инқироз оқибатлари сақланиб турган ҳозирги мураккаб бир шароитда юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани бунинг яққол далилидир.



РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Ўзбекистон банк тизими:

МУСТАҲКАМ, ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛАНГАН



Халқаро эътироф — ҳолисона ва ҳаққоний баҳо

Бугунги кунда банклар капиталлашуви жараёнининг чуқурлашуви, улар ўртада соғлом рақобат муҳитининг юзага келаётганлиги ва кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириб бораётганлиги, ўз навбатида, молия муассасаларининг бир ҳудуд доирасида чекланиб қолмасдан, балки халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлашда. Бунинг учун эса улар халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлилиги борасидаги рейтингга эга бўлишлари жуда муҳимдир.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, Президентимиз ташаббуси билан банк тизимини янада ислоҳ этиш борасида тизимли ислохотлар олиб борилаётгани, қабул қилинган тегишли Фармон ва қарорларнинг изчил ижроси таъминланаётгани айрим давлатларнинг банк тизими рейтинглари салбий кўрсаткичга туширилганга айнаётганлиги бўлиши жуда муҳимдир.

Президентимиз ташаббуси билан банк тизимини янада ислоҳ этиш борасида тизимли ислохотлар олиб борилаётгани, қабул қилинган тегишли Фармон ва қарорларнинг изчил ижроси таъминланаётгани айрим давлатларнинг банк тизими рейтинглари салбий кўрсаткичга туширилганга айнаётганлиги бўлиши жуда муҳимдир.

Табиийки, бундай натижага эришиш осон эмас. Масалан, "Мудис" халқаро рейтинг агентлигининг шу йилнинг апрель ойида "Интерфакс" ахборот агентлиги томонидан тарқатилган таҳлилда Қозғоғистонда 2008 йилдан буён банк тизими салбий ҳолатда қолмоқда. Унда муаммолар кредитлар улушининг юқори бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, шубҳали кредитларнинг харажатларини қоплаш зурурилиги, банк капиталининг рентабеллиги ва етарлилик даражасининг пастлиги ҳамда банкларнинг йирик кредиторларини тизимли рағбатлантириш жуда ҳам паст даражада қолганлиги қайд этилган. Шунингдек, муаммолар кредитлар ҳажми 2013 йил охирига келиб, банк кредит портфелининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, 2014 йил охиригача ушбу кўрсаткич ундан ҳам ошиши кутилаётгани, банк активларининг ўртача даромадлилик кўрсаткичи эса истиқболли даврда юқори бўлмаган даромадлар ва кредитлар бўйича қоплаш юзасидан катта харажатлар туялиги 1 фоиздан кам бўлиши таъкидланган. Бу эса омонат-

чиларнинг банкка бўлган ишончи пасайишига, аҳоли томонидан қўйилган омонатларига салбий таъсир кўрсатишига алоҳида ургу берилган.

Кўриниб турибдики, банк ва миждоз ўртасидаги муносабатлар тизим фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан, "Мижоз банк учун эмас, банк миждоз учун" тамойилига амал қилиб келинаётгани, бу бугунги ютуқларимизнинг асоси бўлмоқда.

Чиндан ҳам, мана, тўрт йилдирки, "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимида барқарор рейтинг баҳоси берилмоқда. Шу ўринда жорий йилнинг февраль ойида Тошкентда "Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш истиқболлари ва "Мудис" баҳолаш мезонлари" мавзусида ўтказилган конференцияда ушбу агентлиқнинг вице-президенти Ольга Улянованинг республикамиз банк тизими тўғрисидаги мана бу фикрларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: "Жаҳон молия бозорларида ҳали-ҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз кўлаб мамлакатларнинг молия-банк тизимида салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса банк тизимларнинг катта миқдорларда зарар қўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетишига ва оқибатида уларнинг капиталлашув даражасининг кескин пасайишига сабаб бўлган.

Жаҳон молия бозорларида инқироз ташқи қарзларга таяниб қолган давлатлар банк тизимларидаги муаммоларни айланиб қараш қилди. Ушбу инқирозлар, айниқса, Марказий банк фаолиятида банк назоратининг аҳамиятини кескин оширди.

Бунинг сабаби шундаки, юз берган инқирозларнинг асоси — бу молия бозорларининг самарали назорат қилинмаганлиги, уни ривожлантириш ва назорат қилиш тизимининг узвийлиги ҳамда изчиллиги таъминланмаганлиги, миллий молия институтларининг мос тарзда назорат тизимини вужудга келтирмасдан туриб, жаҳон молия бозорига кирганлиги билан боғлиқ эканлиги эндиликда жаҳондаги кўпгина йирик иқтисодчилар томонидан эътироф этилмоқда.

Шундай бўлиши табиий. Чунки иқтисодий инқироз келиб чиқишининг сабаби, биринчи навбатда, кадрлар ва яна кадрлар масаласига келиб тақаллади. Яъни, ҳар бир кадр ўз соҳасининг етуқ мухтажасини бўлмас, ўзи бошқараётган ташкилотни касодга учратди. Бугунги замонавий кадр ҳар томонлама етуқ, мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган, хориж таърибасини пухта эгаллаган, бошқаларга ҳар томонлама ибрат бўла оладиган, масалани оқилонга, керак бўлса, етти ўлчаб бир кесиб, ташкилотни учун ҳақиқий жон куйдирадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Турилли давлатлар банк тизими фаолиятини мунтазам равишда ўрганиш жараёнида кадрларнинг масъулиятлиги кўпга кўпайиб кетди. Оқибатда банк кредит портфелининг деярли ярмидан кўпи муаммолар кредитларга айланиб қолаётганлиги. Бундай шароитда қандай

қилиб банк тизими ривожланади? Ахир, банклар аҳоли, омонатчиларнинг ишониб қўйилган маблағларини қайтаришлари шарт эмасми? Бу каби саволлар жиддий ҳулосалар чиқариш зарурлигини таъкидламоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлиб ўтган иқтисодий тангликлар банк назоратини оқилонга бошқаришда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш сиёсатининг тўғрилигини амалда яна бир марта исботлади.

Албатта, банклар, сугурта компаниялари ва молия ташкилотларининг тўлов қобилиятини нечоғлиқ барқарорлигини таҳлил қилиш, мавжуд мезонлар асосида пухта ўрганиб чиқиш, ҳолисона баҳо бериш бизнинг ваколатимизга кирди.

Ўзбекистон банк тизими фаолиятига тўрт йилдан буён агентлигимиз томонидан барқарор рейтинг баҳоси бериб келинмоқда. Бундай натижага эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Шу ўринда, авваламбор, тизимни бошқаришда Марказий банк томонидан оқилонга ва тўғри йўл кўрсатилиб, маълум кадрлар жой-жойига қўйилгани, назорат функцияси ва бошқа вазифалари тўлақонли бажарилаётганлигини алоҳида эътироф этишим зарур.

Хозирги интеграллашув жараёнида ҳам тижорат банкларида ресурс маблағлари ички манба ҳисобидан тўлиқ шакллантирилаётганлиги, аҳолининг банкларга ишониб топширилган пул маблағлари бут сақланаётганлиги, энг муҳими, банклар капиталининг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси мустаҳкамланаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Биргина мисол. Ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоиз ортиб, банкларнинг ҳамма капиталли 25 фоиз кўпайган. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёднинг ташкил этган. Бу эса жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар зиёддир.

Шу билан бирга, эътиборингизни яна бир муҳим жараёнга қаратмоқчиман. Яқинда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари эълон қилинди. Унда мазкур рейтинг Қирғизистонда 2 поғонага, Озарбайжонда 3 поғонага, Қозғоғистон, Туркия, Беларусь ва Болгария давлатларида 4 поғонага пасайгани қайд этилган. Ана шундай бир пайтда Ўзбекистонда ушбу соҳада 24 поғона юқори кўтарилганлигини алоҳида таъкидлашдан мануманман.

Шу мисолнинг ўзидан, Ўзбекистон банк тизимида, ҳақиқатан ҳам, самарали механизм яратилгани яққол кўриниб турибди. Бундай механизм ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бу натижа банк тизими раҳбарияти томонидан узоқни кўра бўлиб, пухта дастурлар асосида иш олиб борилаётганлигини амалдаги ифодасидир.

"Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимида кетма-кет тўртинчи мартаба берилган барқарор рейтингни ҳар томонлама му-

носиб ва ҳақиқий баҳодир. Яна бир қувончли маълумот: жорий йил охиригача юртингиз банк тизими капиталининг ўтган йилдагига нисбатан юқори даражада ўсиши кутилмоқда.

Эришилаётган ушбу натижалар банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончи ва қизиқишини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларида банкларнинг ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. Қисқача айтганда, банк тизими Ўзбекистонда барқарор ва кафолатланганлигини "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги алоҳида эътироф этади.

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганлиги бошқа хорижий молия институтлари вакиллари томонидан ҳам тасдиқланаётган. Масалан, кўп йиллардан буён яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган Хитой Тараққий банкнинг президенти, жаноб Ху Уяйбанг шундай дейди: "Банк тизимининг халқаро молия ташкилотлари билан иқтисодий ҳамкорлик қилишлари учун халқаро рейтинг агентликларининг баҳоси жуда муҳимдир. Чунки, Ўзбекистон банк тизимида "Мудис" халқаро рейтинг агентлигининг 2010 йилдан буён юқори баҳо бериб келаётгани давлатингиз иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб бораётганидан далолатдир.

Шу боис Ўзбекистон банк тизимига халқаро молия институтлари, шунингдек, хорижий инвесторларнинг ишончи тобора ортмоқда. Ўзбекистон банк тизими билан Хитой банклари ўртасида қилар неча йилдан буён иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани бунинг исботидир.

Шахсан ўзим дунё банклари раҳбарлари, йирик инвесторлар иштирокидаги йилгиликларда кўп қатнашман. Муҳомадалар жараёнида йирик инвесторлар томонидан Ўзбекистон банк тизими ишончли ҳамкор, деяр эътироф этилаётганидан қувонаман.

Бундай эътироф ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди, уларнинг банкларга бўлган ишончининг янада ошириши аниқ. Бу эса, табиийки, банклар имкониятларини янада кенгайтириш баробарида, аҳоли ҳаёт даражасининг ҳам йил сайин юксалиб боришига хизмат қилади, албатта.

Бугун Ўзбекистон банклари дунёга юз тутмоқда. Уйлайманки, мамлакатларимиз иқтисодий алоқалари янада мустаҳкамланиб, юртингиз шухрати юксалиб бораверади".

Самарали мулоқотлар майдони

"Мустаҳкам, ишончли, барқарор ва кафолатланган". Бугун Ўзбекистон банк тизими ҳақида гап кетганда, шундай таъриф берилади. Зеро, тижорат банкларимиз замонавий хизматлари билан

миждозлари ва ҳамкорларининг ишончини тўла оқлаб, иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, барқарор ва кафолатланган фаолият кўламини мунтазам кенгайтириш пайда бўлмоқда. Бу жараёнда юртимизда ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари — "BankExpo" Миллий кўرғазма-сининг алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимиз молия-банк тизимининг ютуқларини ўзида мужассам этган мазкур кўрғазмада банк тизими мухтажасилари ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида самарали мулоқотлар уюштириш айни муддаодир. Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимизнинг "Кўрғазма савдо мажмуаси"да бўлиб ўтган "BankExpo — 2014" еттинчи аънавий миллий кўрғазмасида 17 миңдан зиёд аҳоли, тadbirkorлар ва ёшлар иштирок этили — бу тadbirkorнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, жамиятимизда банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Чиндан ҳам, ана шу кўрғазма давомида тижорат банклари томонидан замонавий банк технологиялари, хусусан, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, "Мобайл банкинг", интернет тармоғида ишчанлик муҳитини яратиш, "он-лайн" режимида ахборотлар олиш ва веб дастурларнинг аҳамияти каби йўналишлар бўйича тақдимотларнинг ўтказилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрғазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан таъриф буюрган тadbirkorлар ҳам иштирок этгани эса нур устига аъло нур бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мазкур кўрғазма кейинги йилларда банк тизими салохиятини намойиш этиш баробарида, қайсидир маънода, молия муассасалари фаолиятига баҳо бериш учун имконият ҳам яратмоқда, — дейди Бухоро вилоятидаги "Азим Шофирдон юлдузи" фермер ҳўжалиги раҳбари Азим Латипов. — Чунки тadbirkor давомида ҳар бир таъриф буюрувчида ўзини қизиқтирган саволига шу ернинг ўзида жавоб олиш учун шарт-шароит яратиб берилди. Айниқса, ёш мухтажасилар учун турли семинар ва учрашувлар ташкил этилгани уларнинг келгусида банклар билан ишлаш, хусусан, ажратилаётган кредитлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйиб олишларида муҳим пойдевор бўлди.

Аслида, ҳар қандай тadbirkor сармомияга таяниб иш бошлайди. Бу борада банкларимиз тadbirkorларга яқиндан қўмақ бераётган. Натижада кечанига коллежни битирган ёшларимиз мулкдор бўлиб, ҳудудларда саноатни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу банк ва миждоз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик урғунлигининг ёрқин тасдиғидир.

Тadbirkor давомида банк мухтажасилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан кичик бизнес ҳамда хусусий тadbirkorликни ривожлантириш ҳамда бошқа долзарб мавзуларда семинарлар ташкил этилгани эса унинг нуфузини янада оширди. Кўрғазмада, шунингдек, тижорат

банклари томонидан қатор номинациялар бўйича голиблар аниқланди, уларга 200 дан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда тadbirkorликни молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусан, оилавий бизнесни ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчиларининг тadbirkorлик лойиҳаларини молиялаштиришда алоҳида ўрнқ кўрсатган, етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларига мунтазам эришиб келаётган ҳамда мазкур кўрғазма давомида ўтказилган сўров натижаларига қўра, алоҳида номинациялар бўйича тижорат банклари ўртасида голиблар ҳам аниқланиб, муносиб тақдирланди.

— Бугун молия муассасалари ишбилармонларнинг яқин қўмақчилигига айланмоқда, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раисининг ўринбосари Азим Аҳмедходжаев. — Шу маънода, банкимизнинг "Тadbirkorларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи" номинацияси бўйича голиб бўлгани биз учун қувонarliдир. Бу юксак ишончини тезкор, қулай ва сифатли хизматларимиз билан, албатта, оқлаймиз. Зеро, танловдан қўзланган мақсад ҳам банклар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтириш, илгор таърибаларни омаллаштириш, уларнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишдан иборатдир.

Хорижлик мухтажасилар ҳам кўрғазмада мамлакатимиз молия-банк тизимида юз берган ижобий ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Давлатингиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққийнинг "Ўзбек модели" Ўзбекистонини бутун дунёга танитди, — дейди сингапурлик Дорри Шафи. — Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам иқтисодиётингизда барқарор ривожланиш кузатишгани алоҳида эътиборга олиш.

Мамлакатингизда озлаб саноат корхоналари самарали фаолият кўрсатаётгани, ишлаб чиқарилаётган автомашиналар, қишлоқ ҳўжалиги техникаларига хорижда талаб тобора ортиб бораётгани, иқтисодий ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилаётгани барчанинг ҳавасини келтиряпти. Энг муҳими, юртингизда бебаҳо бойлик — тинчлик ҳиммиди. Бу эса халқингизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishiга мустаҳкам замин яратмоқда.


Кўрғазмада иштирок этганимдан жуда хурсандман. Унда юртингиз банк тизими томонидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқдим. Миждозларга яратилган қулай шароитлар туялиги ўз уйдан туриб, бевосита банк билан ҳамкорлик қилиши ёки чет элда туриб, ўз хисоб рақамиданги маблағларини бошқариши банкларингизнинг жаҳон талабларига мос равишда фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Мазкур кўрғазма стендларини кўздан кечиришдан, "Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат" деган ёзувга кўзим тушди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатингиз келажаги буюқдир.

Кўп давлатларда хизмат сафарларида бўламиз, лекин Ўзбекистон бетакдор юрт. Унинг нуфузи ҳаммаша ортаверсин.

Бу галги кўрғазма "Соғлом бола йили" Давлат дастури ва мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари, оилавий корхоналар вакиллари, таълим муассасалари битирувчиларига тақдир этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсия берилишига қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бошқа соҳалар қатаринда молия-банк тизимининг барқарор ривожланишига, пировардида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.



Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файzieва.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5